



СУГУРТА КОМПАНИЯЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТУШУНЧАСИННИҢ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ, АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Носиров Жасур Турсунулотович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Солиқлар ва сүгурта иши кафедрасы

катта ўқитувчиси

Аннотация: Уибұ мақолада сүгурта компаниялар молиявий барқарорлиги тушиунчасининг иқтисодий мазмунни, аҳамияти ва асосий хусусиятлари кенг ёртиб берилған. Шунингдек, Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни таъминлашда сүгурта компанияларининг аҳамияттун янада ошириши, уларнинг ЯИМдаги улушкини босқичма-босқич ошириб бориши кераклиги илмий асосланған.

Калит сүзлар: сүгурта компаниялар, молиявий барқарорлиги тушиунчаси, сүгурта захиралари.

Жаҳон амалиётида сүгурта компанияларининг молиявий барқарорлиги, асосан, уларнинг тұловга қобиллиги ва сүгурта захираларининг миқдори билан белгиланади. «Халқаро рейтинг компанияси (ACRA¹⁷)»га құра, 2007-2019 йилларда ахоли турмуш фаровонлиги даражаси билан ЯИМнинг таркибида сүгурта мукофотлари ўртасидаги боғлиқлик (Пирсон корреляцияси бүйича) коэффициенти 0,89ни ташкил этган. «Пандемия шароитида ривожланаётган давлаттар сүгурта компаниялари күпроқ зарар күриш билан бирга, 2021 йилда сүгурта мукофотлари улушки 3,6 фоизли пунктга пасайиши кутилмоқда»¹⁸. Бу эса, сүгурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали кредиторлар ҳамда сүгурталанувчилар олдиғаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарышда устувор аҳамият касб этмоқда ҳамда сүгурта компаниялари олдида чекланған молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали инвестицион имкониятларни оширишга оид қарорлар қабул қилиш зарурлигини күрсатмоқда.

Хорижий мамлакатларда сүгурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш, сүгурта компаниялари молиявий барқарорлигини илмий ёндашувлар ва эконометрик инструментлар ёрдамида таъминлаш, компаниялар самарадорлигини тармоқ ва соҳа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ошириш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда сүгурта компаниялари фаолият самарадорлигини мултипликатив коэффициентлар орқали баҳолаш, молиявий барқарорликнинг миқдорий даражасини аниқлаш, молиявий барқарорликни таъминлашнинг халқаро стандартлар ва механизм асосида такомилластиришга қаратылған тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни таъминлашда сүгурта компанияларининг аҳамияттун янада ошириш, уларнинг ЯИМдаги улушкини

¹⁷ ACRA (Analytical Credit Rating Agency) - халқаро кредит рейтингини таҳлил қилиш ва баҳолаш агентлиги.

¹⁸ [https://forinsurer.com/20/09/07/38406-which insurance markets in the world will be most affected by COVID-19?](https://forinsurer.com/20/09/07/38406-which-insurance-markets-in-the-world-will-be-most-affected-by-COVID-19?)



босқичма-босқич ошириб бориш, қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини янада такомиллаштириш борасида «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти» түғрисида низомда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, сұғурта хизматларини диверсификациялаш ҳисобига замонавий сұғурта хизматлари жорий этиш ва мазкур жараёнларда ахолининг фаол иштирокини самарали ташкил этиш кабилар сұғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда мұхим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришда унинг асосий сегментларидан бири ҳисобланған сұғурта бозори фаолиятини тизимли таҳлил қилиш ҳамда сұғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда хорижий илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш мұхим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда сұғурта бозори фаолиятини комплекс ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг сұғурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4412-сон Қарорининг қабул қилиниши, сұғурта компаниялари фаолиятини инновацион ривожлантириш борасида туб ислоҳотларни амалга оширилишига замин яратди¹⁹.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда сұғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш, сұғурта компаниялари фаолиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилған бўлсада, айнан молиявий барқарорликни баҳоловчи аниқ меъзонларни ишлаб чиқиш, мазкур кўрсаткичларни сұғурта компаниялари фаолиятига кенг тадбиқ этиш, халқаро амалиётда сұғурта компаниялари рейтингини аниқлашда фойдаланиладиган асосий молиявий коэффициентлардан фойдаланиш борасида бир қанча камчиликлар мавжуд. Шунга мувофиқ, иқтисодиётнинг ривожланишида мұхим аҳамият касб этувчи сұғурта компаниялари молиявий бақарорлигини ошириш орқали аҳоли ва юридик шахсларни мазкур бозорнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида илмий ва амалий ишларни амалга ошириш лозим.

«Молиявий бақарорлик» кенг ва кўп қиррали тушунча ҳисобланғанлиги боис замонавий иқтисодий адабиётларда унинг иқтисодий моҳияти, тавсифловчи баҳолаш кўрсаткичларини тизимга солиш ва талқин қилиш турлича бўлиб, етарли даражада тўлиқ очиб берилмаган. Сұғурта компаниялари фаолиятида молиявий бақарорликни баҳолаш усулларининг чегаралари ва уларнинг бутун тизимидан энг самарали фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, атамашунослик, кўрсаткичлар алгоритми ва уларни талқин этиш, мулкчилик ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мезонларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан, «бақарорлик», «молиявий бақарорлик» ва «сұғурта компаниялари молиявий бақарорлиги»нинг моҳиятини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиёт назариясида биринчилардан «бақарорлик»ни таҳлил қилиш асосчилари ҳисобланған В.Вальрас ва А.Маршалл томонидан «бақарорлик»нинг

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг сұғурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари түғрисида”ги Қарори.



классик модели ишлаб чиқилган. Уларнинг фикрича, тизим бозор нархларига тузатишлар киритиш (В.Вальрас) ва ҳажмга тузатишлар киритиш (А.Маршалл) каби маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда барқарор ҳолатга қайтади²⁰. М.М.Алексеева эса, «барқарорлик»нинг моҳиятини ифодалашга қуидагича ёндашади, яъни барқарорлик ўзгариб туришларнинг тўлиқ мавжуд эмаслиги ёки камайиб борувчи ўзгаришлар шароитида мувозанат ҳолатга интилиш демакдир²¹, яъни барқарорлик тизимларни тасодифий таркибий кисмлар тўпламидан ажратиб турувчи уларнинг фундаментал хусусияти ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида молиявий барқарорликни таҳлил қилиш ва баҳолаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Шундай бўлишига қарамасдан, амалга оширилган таҳлил натижаларининг қўрсатишича, компанияларнинг молиявий барқарорлигини тавсифлашга нисбатан ҳозирги пайтда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларга кўра молиявий барқарорликни қуидагича тавсифлаш мумкин:

- молиявий ҳолат;
- сармоя таркиби;
- ички ва ташқи рисклардан ҳимоялаш ва бошқалар.

Молиявий барқарорликка нисбатан биринчи ёндашувни аниқлашда, энг аввало, «молиявий» ва «барқарорлик» тушунчаларининг маъно-мазмунига эътибор бериш керак. Бу ўринда «молиявий» – «молияга оид, молия жиҳатидан бўлган; пул маблағлари ва уларни тўплаш, тақсимлаш билан боғлиқ бўлган»²², «барқарорлик» эса, «мустаҳкамлик... ҳолати»²³ эканлигига эътибор бериш керак.

Молиявий барқарорликни аниқлашга нисбатан иккинчи ёндашув тўлов қобилияти, ликвидлилиқ, кредит қобилияти, рентабеллик каби молиявий ҳолат қўрсаткичларидан фойдаланишга асосланади. Бундай ёндашув ҷоғида, айrim иқтисодчиларнинг фикрига кўра, молиявий барқарорлик таърифи тўлов қобилияти тушунчасига яқин²⁴ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Nazarova, S. A., Mirzarahimov, B. H., Narmanov, U. A., Ortikov, O. H., & Uktamov, K. F. (2021). The Role Of Uzbek Tourism Culture And Its Historical And Cultural Transformation Processes In Economic Development. *Int. J. Of Aquatic Science*, 12(3), 2776-2785.
2. Nasrullayevich Khasanov, K., Alisherovna Baratova, D., Fakhreddinovich Uktamov, K., & Bokhodirovna Abdusattarova, D. (2021, December). Improving the practice of attracting financial resources from the international capital market to the corporate sector of the economy. In *The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems* (pp. 718-727).

²⁰ Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: «Прогресс», 1993. 350-б.

²¹ Алексеева М.М. Планирование деятельности фирмы. Учебно-методическое пособие. – М.: «Финансы и статистика», 1997. 248-б.

²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.И.Е-М.- Т.: «ЎзМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2006. 611-б.

²³ Ўша манба, Ж. И. 173-б.

²⁴ Шмален Г.Основы и проблемы экономики предприятия. – М.: «Финансы и статистика», 1996. 31-б.



3. Dwijendra, N. K. A., Jalil, A. T., Abed, A. M., Bashar, B. S., Al-Nussairi, A. K. J., Hammid, A. T., ... & Uktamov, K. F. (2022). Improving the transition capability of the low-voltage wind turbine in the sub-synchronous state using a fuzzy controller. *Clean Energy*, 6(4), 682-692.

4. Akbarovich Yadgarov, A., Khotamov, I., Fakhridinovich Uktamov, K., Fazliddinovich Mahmudov, M., Turgunovich Yuldashev, G., & Ravshanbek Dushamboevich, N. (2021). Prospects for the Development of Agricultural Insurance System. *Alinteri Journal of Agriculture Sciences*, 36(1), 602-608.

5. Шмален Г. Основы и проблемы экономики предприятия. – М.: «Финансы и статистика», 1996. 31-б.

6. Алексеева М.М. Планирование деятельности фирмы. Учебно-методическое пособие. – М.: «Финансы и статистика», 1997. 248-б.